



# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

• 2009-yil • 13-avgust • Payshanba • 95 (30.056) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Мустақиллик биз учун — ўзлимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам жаноб Президент! Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Сизга самимий кутловларимни йўлаш, мамлакатингиз ва ўзбек халқига бахт ва тараққиёт тилаш мен учун ифтихор бағишлайди.

Мен барча соҳалар, хусусан, иқтисодий йўналишдаги алмашувлар борасида ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга тайёр эканлигимизни яна бир бор изҳор этишни истардим. Шу муносабат билан, мен Франция корхоналарининг бугун Ўзбекистон халқи фаровонлиги йўлида биргаликда ҳисса қўшишда ўз тажрибалари билан ўртоқлашишга тайёрлигини қайд этишни лозим топдим.

Тошкент шаҳри ташкил топган кунининг 2200 йиллигини нишонламоқда. Мамлакатингиз пойтахти асрлар давомида Марказий Осиёда туташган йирик тамаддунолар хилма-хиллиги ва бойлигини ўзида сингдирган ҳолда ривож-

ланиб келди. Тошкент — Ўзбекистон маданиятининг музей шаҳри, бой тарих, шунингдек, буюк келажакка эга шаҳардир. Бошдан ўтказишга тўғри келган синовларга қарамай шаҳар Ўзбекистон тараққиёти маркази бўлиб келди. Мустақилликка эришилганидан сўнг, Ўзбекистон халқи шижоати боис янги чўққиларни забт этди.

Мазкур юбилей муносабати билан Франция ЮНЕСКО бош қароргоҳида Тошкент шаҳрига асос солиниши тўғрисидаги кўргазмани қабул қилганини таъкидлаш менга мамнуният бахш этади. Ўзбекистон санъати ва хунармандчилиги намуналарини акс эттирган мазкур ноёб кўргазма Франция ва Ўзбекистон дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшди.

Жаноб Президент, менинг юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

**Николя САРКОЗИ,**  
Франция Республикаси  
Президенти



18  
МУСТАҚИЛЛИК — ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ!

Ўзбекистон Республикаси Президенти шу йил 7 апрель кунини она Ўзбекистонимизни улуғлаш, мустақил равишда дадил одимлаётган давлатимизни кўз қорачиғида асраш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва янада юксалтириш йўлида фидойилик кўрсатиш каби эзгу туйғуларни униб-ўсиб келатган ёш авлод қалбига камол топтириш, Ватанга садоқат, юртимиз тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадийий етук кўшиқлар яратишни рағбатлаштириш мақсадида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси тизимларида кўрик-танловининг саралаш босқичлари ўтказилди. Уларда муносиб деб топилган 41 та кўшиқни ижро этиш учун Республика яқини босқичига тавсия этилди.

«Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг саралаш босқичларида 49011 нафар ижрочи ўзларининг Ўзбекистонимизни улуғловчи янги

## ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!

Пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» қўшиқ кўрик-танловининг тизимлар бўйича Республика яқини босқичи бўлиб ўтди



кўшиқлари билан қатнашибди. Агар ҳар бир кўшиқ сахнада куйланишидан аввал 20, 30 ва ундан кўпроқ такрор-такрор ижро этилишини ҳисобга олсак, ОНА ВАТАНИМИЗ КЎШИҚЛАРДА БИР МИЛЛИОН МАРТАДАН ЗИЁДРОФ УЛУҒЛАНИБДИ. Демак, кўшиқларни куйлаш ва уларни тинглаш жараёнида миллион-миллион кўнгилларда Ўзбекистонимизга бўлган меҳр-муҳаббат туйғулари жўш урибди.

Аслини олганда, катта сахнага чиқиб Ватанни улуғлаб кўшиқ айтишнинг ўзи катта бахт, Истиқлол берган буюк неъматдир. Ўтган асрнинг 30-50-йилларини эсланг, Ўзбекистонни улуғлаб

бир оғиз шивирлаб сўз айтган кишининг аҳоли нима кечарди?! Беадад шукурки, бугун шавқатли аждодларимиз бор деб, жаннатмонанд Ватанимиз жаҳонда ягона, Ўзбекистонимизнинг келажак буюк деб, шивирлаб эмас, катта сахналарда бор овозда, баралла куйлаямиз!

Холбуки, ўша ўтган замонларда ҳам қойнотнинг гўлтожи бўлган инсон сифатида дунёдаги энг гўзал кўшиқ — Ватан ҳақидаги кўшиқни куйлашга бизнинг ҳаққимиз бор эди. Ахир, бутун мавжудот Ватан ҳақида жўшиб куйлайди.

Донишманддан сўрадилар:

— Булбуллар нима ҳақида куйлашади?  
— Булбуллар Ватан ҳақида куйлашади. Агар Ватан ҳақида куйлашмаганда бунчалар жўшиб чаҳ-чахламасди ва уларнинг навосини бутун мавжудот берилиб тингламасди.

— Жилгалар нима ҳақида куйлашади?  
— Жилгалар ҳам Ватан ҳақида куйлашади. Агар Ватан ҳақида куйлашмаганда бунчалар ёқимли жилдирамасди ва биз улардан таралган товушни соатлаб берилиб тингламаган бўлардик.

(Давоми 2-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам жаноб Президент! Франция Сенати «Франция — Марказий Осиё» дўстлик гуруҳи раиси сифатида, «Франция — Ўзбекистон» дўстлик гуруҳи раиси Брижит Бут хоним, шунингдек, барча ҳамкасбларим, ушбу парламент гуруҳи аъзолари номидан Сизга ва Ўзбекистон халқига Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳри 2200 йиллик байрами муносабати билан самимий табрик ва тилақларимни билдираман.

Мен раҳбарлик қилиш шарафига мурасар бўлган дўстлик гуруҳи навқирон мамлакатингиз сўнгги йиллар давомида сиёсий, иқтисодий, шунингдек, ижтимоий ва маданий соҳаларда эриш-

ган улкан муваффақиятларини кузатиб ва юқори баҳолаб келди.

Жаноб Президент, Тошкентга бир неча бор буюрган ташрифларимни илқ хотира билан ёдга олар эканман, бой тарихга эга ва бугунги кунда Марказий Осиёда энг муҳим шаҳар ҳисобланган Ўзбекистон пойтахтининг 2200 йиллик тантаналарида мен фикран биргаман.

Жаноб Президент, яна бир бор самимий кутловларимни изҳор этар эканман, Сизга бўлган чўқур эҳтиромимни қабул қилишингизни сўраб қоламан.

**Андре ДЮЛЕ,**  
«Франция — Марказий Осиё»  
Парламентларо дўстлик  
гуруҳи раиси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

### ЎзХДП минтақавий ташкилотлари конференциялари

## ТАШАББУС КЎРСАТМАСАК, ИШОНЧНИ ЙЎҚОТАМИЗ

Самарқанд вилоят партия ташкилотининг конференциясида бу сўзлар бот-бот такрорланди

Конференцияга тайёргарлик кўриш жараёнида ўтган йиллардаги фаолият таҳлил қилинди, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, фаоллар иштирокида турли учрашув ва йиғинлар ўтказилиб, таклифлар ўрганилди.

тишулар руҳида ўтди. Унинг кун тартибидан ижтимоий, иқтисодий ривожлантириш маҳаллий дастурлари ва худудий бандлик дастур-

ларини амалга оширишда ХДП ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг иштирокини кучайтириш масалалари асосий ўрин эгаллади.

— Вилоятимизда кейинги йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, хусусан янги иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадларини

оширишни таъминлашга қаратилган кенг қўламли ишлар қилинмоқда, — деди маърузачи ви-

лоят партия кенгаши раиси Камолбой Исабеков. — «Қишлоқ та-



раққиёти ва фаровонлиги йили» маҳаллий дастури ижросини таъминлаш мақсадида йирик саноат корхоналари қошида 3223 та касаначилик асосидаги иш ўрни яратилишида, 1365 нафар фуқаро пудрат шартномалари асосида ишга жалб этилишида, касб-хунар коллежларини битирган 14900 нафар ёшлар, кўролли кўчлар сафидан захирга бўшатишдан 2100 нафар йигитлар иш билан таъминланди. Буларда партия ташкилотлари, депутатларимизнинг ҳиссаси катта. Таъкидлаш лозимки, «Бибиҳоним» хотин-қизлар клуби, «Истиқбол» ёшлар қаноти, «Фаол аёллар» қаноти фаоллари ҳам шу йўналишда фаолият кўрсатмоқдалар.

2-бет

### Фракция фаолияти

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Депутатлар қуйи палата муҳокамага киритилган қатор қонунлар лойиҳаларини муҳокама этиб, улар юзасидан фракциянинг позициясини ишлаб чиқдилар. Лойиҳаларга партия электорати манфаатини таъминлашга хизмат қиладиган таклифлар киритилди.

## ҚОНУНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА

биз аввало, электоратимиз манфаатини ҳисобга оламиз, дея таъкидлашди Ўзбекистон ХДП депутатлари

Хусусан, биринчи ўқишда муҳокамага киритилаётган «Қишлоқ ва сув ҳўжалигида иқтисодий ислохотларнинг чуқурлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси батафсил кўриб чиқилди. Бу ҳақда Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзоси Ориф Шарипов изох берди.

Қонун лойиҳаси «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига мувофиқ ҳамда қишлоқ, сув ҳўжалигида ислохотларнинг босқичма-босқич чуқурлаштирилиши муносабати билан ишлаб чиқилган. Унга қўра, «Фермер ҳўжалиги тўғрисидаги», «Қишлоқ ҳўжалиги кооперативи (ширкат) тўғрисида», «Дехқон ҳўжалиги тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегаралари тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги кафолатлари тўғрисида», «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунларга ҳамда Ер кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Солиқ кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

**МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИК ЙЎЛИДА**

2-3

**ОРТИҚЧА ВАЗН — ОРТИҚЧА ТАШВИШ**

3

**ЧАВАНДОЗ**

ёки «улоқ ўзбекистонликда кетди!»

4

Ўзбекистон havo yo'llari

**TOSHKENT XALQARO AEROPORTI**

Хизматлар лицензияланган

Ўтган давр мобайнида Булунгур, Тайлок, Нарпай туман кенгашилари томонидан партиядан сайланган маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Жамоатчилик қабулхоналари орқали электорат вакиллари кўтарилган ижтимоий муаммоларни бартараф этиш, долзарб масалаларни туман, ша-

# ТАШАББУС КЎРСАТМАСАК, ИШОНЧНИ ЙЎҚОТАМИЗ

Самарқанд вилоят партия ташкилотининг конференциясида бу сўзлар бот-бот такрорланди



Хусан ТЎҒИЗОВ олган суратлар.

хар ва вилоят Кенгашлари доимий комиссиялари мажлислари, сессиялар кун тартибига киритишда қатор ишлар амалга оширилди. Аммо Самарқанд, Каттақўрғон, Оқдарё, Қўшрабод, Нуробод туманларида ташаббускорлик, ишга янгича ёндашиш, партиянинг дастурий мақсад-вазифаларини рўйбга чиқаришда ташаббус ва қатъият сезилмади. Бугун шаҳар ва ту-

ман партия кенгашлари қошида 17 та Жамоатчилик қабулхонаси фаолият кўрсатмоқда. Уларга 2485 нафар электорат вакилларида мурожаатлар тушган. Шуларнинг 1852 таси маҳаллий ҳокимликлар, мутасадди ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш идоралари билан ҳамкорликда ўз ечимини топган.

Бошлангич партия ташкилотлари партиянинг жамоатчилик орасидаги обрў ва нуфузини оширишда асосий восита вазифасини

ўташи табиий. Самарқанд шаҳри, Булунгур, Пайарик, Жомбой, Пахтачи туманларидаги қатор бошлангич ташкилотларимизнинг фаолияти кўпчиликка ибрат қилиб кўрсатишга арзийди. Лекин Каттақўрғон шаҳри, Нуробод, Каттақўрғон туманларида куйи бугун фаолиятини кучайтиришга етарли эътибор берилмади.

2009 йил — сайловлар йили. Бўлажак сиёсий кампанияга жиддий ҳозирлик кўришимиз лозим. Бу барчамизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди.

Конференцияда сўзга чиққанлар партия ташкилоти фаолияти тўғрисида фикр-мулоҳазаларини билдиришди, йўл кўйилган хато-камчиликларни бартараф этиш, келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида таклифларни ўртага ташлашди.



Фармон ТОШЕВ, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Айтиш керакки, маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз самарали фаолият олиб боришаёпти. Ўзага келадиган айрим ижтимоий муаммолар ечимини топишда ташаббус кўрсатишаёпти. Бугунги куннинг депутати халқ орасида янада кўпроқ юриши, уларнинг қувончу ташвишларига шерик бўлиши лозим, деб ҳисоблайман.

Депутатлик гуруҳларимиз маҳаллий Кенгашларда қабул қилинган қарорлар ижросида мониторинг олиб бормоқда, жойларда бўлаётган уршувларда сайловчилар таклиф-мулоҳазаларини ўрганишмоқда. Кўпгина масалалар сессиялар кун тартибига киритилмасдан, де-

путатлар аралашуви билан ҳал этилишига ҳам эришилаёпти. Булунгур, Тайлок, Пахтачи туманларида депутатлар фаолияти анчагина жонланди. Иштихон, Ургут, Пастдарғом, Қўшрабод туманларидаги депутатларимиз электорат манфаатларини таъминлашда фаол иштирок этмаяпти, ташаббус кўрсатмаяпти. Тан олиш жоизки, улар тарқоқ ҳолда иш олиб бормоқда. Жамиятимизда бизга ишонган, суянган, фаолиятимиздан янгилик излаётган, хайрихошлик билдираётган қатлам бор. Агар улар манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан таклифлар, ташаббуслар билан чиқмасак, ишонччи йўқотамиз. Буни асло унутмайлик.




Ҳасан НОРМУРОДОВ, «Нуроний» жамғармаси Самарқанд вилоят бўли-



ми раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати:

— Ўз ишига танқидий кўз билан қараш, йўл кўйилган камчиликларни рўй-рост айтиш келгусидаги депутатларимиз ҳуқуқларида. Шунинг учун партиянинг шаҳар ва туман кенгашлари, фаоллар, хайрихошлар фаолиятимизни ана шундай баҳолаб, ҳамжиҳатликда катта сиёсий тadbирга ҳозирлик кўришимиз даркор. Бунинг учун энг аввало кадрлар масаласини қўриб чиқишимиз зарур. Сафимизга шижоатли, ғайратли ёшларни кўпроқ жалб этиш талаб этилмоқда. Бу масалада партия ишида суяги қотган, тажрибали партиядошларимиз маслаҳатларига амал қилиш мақсадга мувофиқ бўларди. Худудий, бошлангич ташкилотларимиз орқали аҳоли орасига кенроқ кириб бориш зарур. Зеро, вилоятнинг олис туманларида истиқомат қилувчи электорат вакиллари ҳар доим ҳам туман кенгашларимизга келиш имконияти бўлмайдди. Ана шундай пайтда БПТ ташаббусини қўлга олиши

керак эмасми? Фаолиятда камчиликлар мавжуд шаҳар ва туман кенгашлари аҳолини ўнглаш учун тезкор чоралар кўришлари лозим.



Эрдosh АХАДОВ, халқ депутатлари Пайарик туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Иштихон, Ургут, Қўшрабод, Пастдарғом туманларида депутатлар, Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятининг талаб даражасида эмаслиги танқид қилинди. Одамлар ишониб депутат қилиб сайлагач, ваколат муддати тугагунча сайловчилари ҳузурига келмайдиган, уларнинг муаммоларини ечишда мадад бўлолмайдиган депутатлар орамизда йўқ эмас. Нав-

батдаги сайловларда том маънода электорат манфаатлари учун курашга тайёр, партиямиз нуфузи орттиришга қилаётган номзодларни кўрсатишимиз зарур. Ана шундагина Халқ демократик партияси том маънода ўз электорати манфаатларини ҳимоя қила олади.

Шунингдек, конференцияда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Маждихон Усмонов, Фахриддин Ражабов, Булунгур туманидаги «Бешқўтон» маҳалласи оксоқоли Файзулла Худойбердиев, ЎзХДП Пахтачи туман кенгаши раиси Исмаил Саенаев ва бошқалар партия ташкилотлари олдида турган вазифалар, дастурий мақсадларини электорат орасида тарғиб этиш, одамларнинг ишонччини қозониш учун яна нималарга эътибор қаратиш зарурлиги ҳусусида сўз юритдилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Улубек Вафоев ўз сўзида партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятини жиддий кучайтириш лозимлигини таъкидлади.

Шу кун вилоят партия кенгашининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Унда Камолбой Исабеков Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси этиб қайта сайланди.

Абдували ХУДОЁРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

(Давоми. Боши 1-бетда)

## ҚОНУНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА

биз аввало электоратимиз манфаатини ҳисобга оламиз, дея таъкидлашди Ўзбекистон ХДП депутатлари

Биринчи ўқишда киритилган «Суд экспертизаси тўғрисида»ги ҳамда «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунлари лойиҳалари юзасидан депутат Фахриддин Ражабов маъруза қилди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда суд-экспертлик фаолияти асосини белгилайдиган ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас. Суд экспертизасининг ҳуқуқий тартибга солиниши алоҳида турдаги суд ишларини юретишнинг процессуал қонунлари, идоравий-меъёрий ҳужжатлар билан амалга оширилади. Суд экспертизаси институти учун муҳим бўлган суд-экспертлик фаолияти тушунчаси, суд экспертизаси муассасаларининг ташкилий тузилиши, молиялаштирилиши, суд-экспертлари фаолиятининг ижтимоий шароитлари билан боғлиқ масалалар қонун даражасида тартибга солинмаган.

Ушбу қонун лойиҳаси суд ишларини юретиш турларидан қатъий назар, демократик принципларга асосланган суд-экспертлик фаолиятини тартибга солуви



умумий нормаларни, суд-экспертлик фаолиятининг барча жиҳатларини қамраб олади. Қонун қабул қилиниши суд-экспертлик фаолияти соҳасидаги қонунчиликни бирхиллаштириш имкониятини беради. Суд экспертизасининг динамик ривожланиши, экспертлик тадқиқотларининг жаҳон стандартларига мос келадиган, замонавий илмий даражада ўқазилиши учун шароит яратди.

Ушбу қонун лойиҳасининг айрим қондалари Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларнинг айрим моддаларини қайта кўриб чиқишнинг талаб қилади. Шу мақсадда юқоридаги иккинчи лойиҳа ҳам Қонунчилик палатаси Регламенти талабига мувофиқ, бир вақтнинг ўзига киритилмоқда.

«Ўзбекистон Республика-

си Вазирилар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда муҳокама этилди. Мазкур лойиҳа юзасидан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси Турсуно Абдуллаева маъруза қилди.

Қонун лойиҳаси раҳбар ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, давлат бошқаруви органлари ҳайъатлари таркибини аниқлаш ишларини такомиллаштириш, тезкорликни ошириш мақсадида Вазирилар Маҳкамаси ролини кучайтиш ва давлат бошқарувининг қатор органлари раҳбарлари ҳамда уларнинг ўринбосарларини лавозимига тайинлаш, лавозимидан озод этиш, шунингдек, бу органлар ҳайъатлари аъзоларини тасдиқлашга

оид аниқлик киритиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Фракция мажлисида, шунингдек, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган «Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазони ўташни давом эттириш учун топшириш тўғрисида»ги Қонунини (Тошкент, 2009 йил 25 февраль) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидландики, ушбу Шартномада Аҳдлашувчи Томоннинг фуқаролигига эга бўлган маҳкумларни ўз давлатида жазони ўташни давом эттириш учун топшириш асослари ва шартлари белгиланган.

Шунингдек, фракция «Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиги низоми ва Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиги тавсифини тасдиқлаш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда кўриб чиқди. «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ва «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари иккинчи ўқишда батафсил муҳокама этилди.

Асли КАМОЛ, Суратлар муаллифи Абдывоси ҲАЙДАРОВ.

(Давоми. Боши 1-бетда)



## ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!

— Янги қўшиқлар нима ҳақида куйлашди?

— Янги қўшиқлар ҳам Ватан ҳақида куйлашди. Агар Ватан ҳақида куйлашмаганда, уларнинг шамолда тебраниб чалган қарсақлари қалбларимизда бунчалар завқ-шавқ уйғотмасди.

Муваққил шарофати билан бой маданий меросга, юксак санъатга эга халқимиз ҳам Ватан ҳақида, она Ўзбекистонимиз ҳақида қўшиқ куйлаяпти. Агар чуқурроқ ўйлаб кўрсак, кўрик-танловда 49 мингдан зиёд Ватан ҳақида янги қўшиқ ижро этилибди. Бу қўшиқлар матнини ҳаваскор қаламкашдан Ўзбекистон халқ шоирларига эътишган. Уларга нотани билган мусикачи-

дан Ўзбекистон Республикаси санъат арбобига мусика басмалашган. Бу янги қўшиқларни болажонларимиздан тортиб Ўзбекистон халқ артистига ижро этилди. Ҳа, кўрик-танлов давомида янги номлар, янги иқтидорлар кашф этилди, Ватан ҳақида дилдорлар янги қўшиқлар яради. Уларни тинглаганда қалбларимизда она Ўзбекистонимизга бўлган меҳр туйғуларимиз, Ватан ҳақида қўшиқлар куйлаш иштиёқимиз кучайди.

Танловда Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов сўзи, Ўзбекистон санъат арбоби Анор Назаров мусикаси билан айтадиган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Озодбек Назарбеков ижросидаги «Жон Ўзбекистон» қўшиғи биринчи ўринга ло-

йиқ топилди. Иккинчи ўрин Муртазо Қаршибоев сўзи Анвар Эргашев мусикаси билан айтадиган «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулсанам Мамазоитова ижросидаги «Фидо бўл!» қўшиғи учун, учинчи ўрин Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо шеъри Анор Назаров мусикаси билан айтадиган «Ўзбекистон» эстрада бирлашмасининг Наманган вилояти бўлими хонандаси Малика Эгамбердиева ижросидаги «Ўзбекистон» қўшиғи учун берилди.

Тадбирда кўрик-танлов ғолиб ва совриндорлари иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Асрор МЎМИН Муҳаммад АМИН (Ў.А) олган сурат.


(Давоми. Боши 1-бетда)

### Иқтисодиёт ва ислоҳот

Бир неча йил муқаддам «Наманганмебель» акциядорлик жамияти ночор иқтисодий аҳволга тушиб қолганида корхонага ёш, сергайрат йигит — Сиддиқжон Муҳаммадшоев раҳбар этиб тайинланди. Корхона Ўзбекистон — Германия «Савдогар» очиқ акциядорлик тижорат банки Наманган вилоят филиалидан эскирган дастгоҳларни янгилаш ва хомашё сотиб олиш учун 72 миллион сўм кредит олди. Иқтисодий аҳвол ўнганди. Сифатли маҳсулотлар тайёрланиб, харидорларга етказиб берилди. Кўплаб янги иш ўринлари яратилди. Кейинчалик бу ерда «Синтекспромторгсервис» шўъба корхонаси ҳам ташкил этилди. Замонавий ва сифатли мебеллар ишлаб чиқаришни янада яхшилаш мақсадида банкдан яна 100 миллион сўм кредит олинди, янги дастгоҳлар ўрнатилди, харидорлар маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Биз асосан Наманган вилоятида қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишлари билан шуғулланамиз, — дейди Уйчи туман ҳокимлигида рўйхатдан ўтган «Техно қурилиш бетон монтаж» МЧЖ раҳбари Нодир Нишонов. — Кўпдан бунён Савдогарбанк Наманган вилояти филиалининг миқдосиди. Банк ҳамisha бизга сиддиқдилдан хизмат қилиб келаяпти. Бу ерда хизмат кўрсатиш маданияти юксак даражада. Кўпинча айланма маблағларимизни тўлдириш учун банк филиалидан кредит оламиз. Шу йил бошларида Наманган шаҳрининг Шерозий кўчасида қад кўтариши лозим бўлган кўп қаватли турар жой биносини бунёд этиш буйича тендерда ғолиб чиқдик. Маълумки, ҳар бир объектни бунёд этиш учун зарур маблағ бўлиши керак. Банк ходимлари ҳар доимгидек кредитни ўз вақтида ажратиб беришди. Янги 644 миллион 411

минг сўм маблағ расмийлаштириб берилди. Шундан сўнг ишларимиз юришиб кетди. Бино қурилиши жадал суратлар билан олиб борилаяпти. Ҳадемай кўплаб наманганликлар ана шу уйда ховли тўйларини нишонлайдилар, деган умиддаман.



## МОЛИЯВИЙ

Банк филиали хизматидан «Акбар-шоҳ» кўп тармоқли хусусий фирмаси ҳам мамнун. Бу фирма аҳолини ун ва ёғ маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш мақсадида банкдан 20 миллион сўм кредит олганди. Ҳозир халққа хизмат қилиб, одамларнинг дуосини олишаётир. Шунга ўхшаш фаолият билан шуғулланаётган «Садоқат-савдо» фирмасига 25 миллион сўм ажратилди. Нўъмонжон Темиров раҳбарлигидаги «Чортоқ барака» фермер хўжалигига 5 миллион сўм, хусусий тadbиркор Нозима Қориевага тикувчилик фаолиятини ривожлантириш учун 12 миллион сўм, Чортоқ туманидаги Иззатхон Тожибоева бошлиқ «Бозорбой» фермер хўжалигига чорвачиликни йўлга қўйиш учун аввал 7 миллион сўм, кейинчалик яна 12 миллион сўм кредит берилди.

# СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАРКАЗИ БУЗИЛАДИ...МИ?


## Бир қарашда муаммо жуда оддийга ўхшайди. Аммо...

Маҳалламиз ахли кўп йиллардан буюн ёшларимиз учун спорт соғломлаштириш маркази ва аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган замонавий диагностика маркази бўлишини орау қилар эди. Маҳалла гузаридида эски клуб ёнида клубга тегишли бўлмаган 0,33 га ер майдонидан спорт соғломлаштириш ва диагностика марказлари қуриш учун ружат сўраб тегишли идораларга хатлар ёздик, раҳбарларнинг қабулларига бордик. Уринишларимиз зое кетмади. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бизни кўлаб-қувватлади ва 2007 йил 6 ноябрда спорт соғломлаштириш маркази ва диагностика маркази қуриш учун 0,33 гектар ер майдонни ажратиб берилди.

Қарор асосида лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди. 2008 йилда ҳашар ва ҳолийиди йўли билан қурилишни бошлаб юбордик. Орадан кўп вақт ўтмай 80% қурилиш ишлари бажарилди ва замон талабларига жавоб берадиган кўркем архитектура кўринишига эга бинолар қад кўтарди. Яна озгина ҳаракат қилсак, улар тўла-тўқис битиб, ишга туширилди. Лекин кутилмаганда муаммо пайдо бўлиб, ишимиз тўхтади. Биз қурилиш қилаётган жойга «Гранд Азия Бизнес» деб номланган масъулияти чекланган жамият эга чиқиб қолди ва у Тошкент шаҳар ҳокимининг 2007 йил 6 ноябрда қарорини бекор қилишни сўраб судга даъво ариза берди. Суд қарори билан даввогарнинг даъвоси қаноатлантирилди. Ушбу ҳужжалиқ суднинг яна бир қарори билан спорт соғломлаштириш ва диагностика маркази биноси ноқонуний қурилган деб топилди ва бузиб ташлаш масаласи кўйилди. Яъни Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси билан тузилган вақтинча шартнома асосида ерга эгалик қилиб турган «Гранд Азия Бизнес» МЧЖнинг даъвоси қонуний, Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори ва қатор нуфузли идораларнинг ружати билан қад рўстлаган бино қурилиши ноқонуний ҳисобланади.

Табийки, Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори нега бекор қилинди, ерга қим қандай асосларда даъвогарлик қўлаётди, деган саволлар туғилиши мўқарар. Бу саволларга жавоб бериш учун бироз орқага қайтишимизга тўғри келади. Маҳалламиз марказидида 1943 йилда қурилган бир қаватли клуб биноси бўлиб, у маҳалла балансида эди. Бино ҳомишдан қурилган, пойдевори ҳам йўқ бўлгани учун йиллар ўтиши билан анча нураган, авария ҳолати-

га келиб қолганди. Афсуски, бинони қайта таъмирлашга маблағ топилмади ва у Юнусобод туман ҳокимининг тақлифи ҳамда маҳалла фаолларининг розилиги билан 2003 йил 6 февралда бинони таъмирлаш, ишлаб чиқаришни ташкил қилади деган ниятлар билан «Юнусобод Сармом Инвест» масъулияти чекланган жамият тасарруфига ўтказиб берилди. Уша пайтда бино фақатгина акт билан олинган. Клубга атрофидида тегишли ер майдони аниқланмасдан Юнусобод туманининг ҳокими талаби билан Юнусобод тумани техник инвестаризация бюроси томонидан маҳаллага тегишли 0,3915 га ер майдони ҳам клубга тегишли деб, «Сармом Инвест» МЧЖга бириктириб берилган. Ваҳоланки, Юнусобод тумани техник инвестаризация бюросининг бундай қилишга мутлақо ҳаққи йўқ эди.



Гарчи жамият раҳбарлари бинони таъмирлаймиз, ишлаб чиқариш ташкил этамиз, деб ваъдалар беришган бўлса-да, сўзларининг устидан чиқмади, ваъда ваъдалигича қолди. Бино эса фақат сотув объектига айланди, қўлдан қўлга ўтди, холос. «Сармом Инвест» бинони 2005 йил 15 апрелда «Миссури» масъулияти чекланган жамиятга пуллаб юборди.

Юқоридида тилга олинган олдиди шартномасида бинога тегишли ер майдони 536м<sup>2</sup> деб кўрсатилган. «Миссури» ҳам ўз навбатида бинони таъмирлашни ўзига лозим топмади ва 2006 йил 24 мартда уни Коробко Яков Петрович деган фуқарога сотиб юборди. Олди-сотди шартномасининг 1.1. бандида ҳам «Бир қаватли клуб биносининг умумий майдони 536м<sup>2</sup>» эканлиги кўрсатиб қўйилган. Бинони топшириш — қабул қилиш актида ҳам клуб биносининг умумий ер майдони аниқланмаган.

Коробко Яков Петрович 2006 йил 2 майда «Гранд Азия Бизнес» масъулияти чекланган жамиятга таъсис-

чи бўлиб қиради ва клуб биносини устав фонди сифатида жамиятга киритди. Таъсис шартномасида ҳам клуб биносининг умумий майдони 536м<sup>2</sup> эканлиги белгиланган.

Орадан кўп вақт ўтмай кутилмаганда клуб биносининг ер майдони 536м<sup>2</sup>дан 3915м<sup>2</sup>га кўпайиб кетди. Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси нима учундир клуб биносига тегишли бўлмаган бино атрофидида 0,33 м<sup>2</sup>га ер майдонини 2006 йил 9 октябрдаги вақтинча Ер ижара шартномаси билан «Гранд Азия Бизнес» МЧЖга 5 йилга бепул ижарага бериб юборди.

Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бундай йўл тутишида Вазирил Маҳаммасининг 1994 йил 31 декабрдаги 636-сонли қарорига асосланганини айтади. Ваҳоланки, ушбу қарорда республикадаги барча ерларни ҳисобга олиш, ер солиғи тўлиқ ва ўз вақтида тўлалишини таъминлаш мақсади кўзда тутилган. Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси эса «Гранд Азия Бизнес» МЧЖга маҳалла ерларини ҳам қўшиб ижарага бериш билан қиёсланмай, уни беш йил муддатда

солиғидан озод қилганлигига нима дейсиз?! Ер кодексининг 5-моддаси, 4-бандида юридик шахсларга қишлоқ ҳужжалиқ эҳтиёжлари ҳамда бошқа давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага беришга ваколат туман ва шаҳар ҳокимлигига берилган. Бундан чиқадиган ҳулоса шуки, «Гранд Азия Бизнес»га ер майдонини ижарага фақат Тошкент шаҳар ҳокимлигига бериши мумкин. Лекин «Гранд Азия Бизнес» МЧЖ нима учундир ер сўраб Тошкент шаҳар ҳокимлигига эмас, балки Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасига мурожаат қилиб вақтинча шартнома тузган. Шаҳар ҳокими эмас, Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ер майдонини «Гранд Азия Бизнес» МЧЖга ижарага берган.

Қизғин, Тошкент шаҳар ҳокимининг Ғ.Абдуллаев номи маҳаллада спорт соғломлаштириш ва диагностика марказлари қуриш учун ер ажратиш тўғрисидаги қарори тайёрланаётган пайтда Тошкент

шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи уни маъқуллаб имзо қўйиб берган ва шундан сўнг қарор чиққан эди. Агар ўшанда ушбу ер ижарага берилганлигига эътибор қаратилганда, бугунги кундагидек ачинарли аҳволга тушмасдик...

Бошқарма раҳбарларининг бу эътиборсизлиги бизга, бизнинг маҳалламиз ахлига жуда-жуда қимматга тушди. Катта миқдорда маблағ сарфланиб қад рўстлаган биноларимиз бузилиш арафасига келиб қолди. Эҳтимол ҳўжалиқ суди тўғри қарор чиқаргандир. Бунга асоси бордир. Лекин тегишли ташкилотларга ёзилган хатларимизга олинмаётган жавобларда ижара шартномаси тузишга бошқарма ваколатли эмаслиги қайд этилмоқда. Масалан, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасига ёзилган хатимизга қуйидагича жавоб олдиди:

«Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига асосан Тошкент шаҳаридида ер участкаларини ижарага бериш «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуinning 10 ва 25-моддаларига асосан Тошкент шаҳар ҳокими ваколатига қиради. Тошкент шаҳар ҳокими қарори асосида ерлар ижарага берилиши мумкин.

Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан Х.С.Бузруков ва «GRAND ASIYA BUSINESS» масъулияти чекланган жамияти билан Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 3.Шокиров кўчаси, 2-уй манзилидаги 3915 кв.м. ер майдонига 2006 йил 9 октябрда тузилган ер ижара шартномаси Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорисиз тузилган ва «GRAND ASIYA BUSINESS» масъулияти чекланган жамиятининг 2006 йил 24 мартдаги олди сотди шартномасида фақат бино эгаллаб турган 536 м.кв. ер майдони акс эттирилган.

Юқоридигиларга асосан Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 3.Шокиров кўчаси, 2-уй манзилидаги 3915 кв.м. ер майдонига 2006 йил 9 октябрда тузилган ер ижара шартномаси амалдаги қонуnларга зид равишда тузилганлиги учун ушбу шартномани бекор қилиб, 10 кун муддат ичиди қўмитага маълумот тақдим этиш юқлатилди».

Ушбу жавоб хати кўнглимизга чирок ёққандай бўлди. Ҳар ҳолда биз ўзимизни қонуний бўздик, деб ҳисобламаймиз. Ахир биз қонуний ҳўжатлар асосида, шаҳар ҳокими ва мутасадди ташкилотлар қарори ва розилиги билан қурилишни бошлагандик-ку. Аризамиз газетда эълон қилинса, тегишли идоралар бу масалага жиддий эътибор қаратади, деган умиддамиз.

**Қобилжон ЭОКИРОВ,**  
**Юнусобод туман, Ғ.Абдуллаев номи маҳалла фуқаролар йиғини раиси,**  
**Мирзёид ДҮСМАТОВ,**  
**фуқаролар йиғини раиси**  
**Уринбосари.**

### Ҳолат

## ОРТИҚЧА ВАЗН — ОРТИҚЧА ТАШВИШ

### 2. СЕМИЗЛИККА ҚАРШИ ЧОРАЛАР

Аваллиги сонда чоп этилган биринчи мақолада баён қилганимиздек, Россия ҳам семизлик муаммосидан холи худуд эмас. Россия Тиббиёт фанлари академиясининг Овқатланиш илмий тадқиқот институти ҳисоботида қайд этилишича, кейинги 10 йилда ортиқча вазнлилар 20 фоиздан 50 фоизга кўпайган, шундан 15-20 фоизи семизлик даражасига етганлардир. Ортиқча вазнлилар йилига 3 фоизга кўпаймоқда. Бу ерда умумий ўлимнинг 12,5 фоизи айнан ортиқча вазн сабабли келиб чиқадиган касалликлар оқибатидир.

Россия Тиббиёт фанлари академиясининг Овқатланиш илмий тадқиқот институти директори, академик Виктор Тутельянин айтишича, организмнинг меъёрий ҳаёт фаолияти учун 150 дан 200 тагача биологик фаол бирикма керак бўлади. Улар сонидидаги ўзгариш киши организмга таъсир этмай қолмайди. Бундан ташқари, нотўғри овқатланиш, аникроги, йўл-йўлақай еб кетилгани сифатсиз ва тезкор емакларнинг истеъмоли ҳам албатта вазн ўзгаришига олиб келади. Шунингдек, замонавий технологиянинг ўта ривожлангани кишилик жамиятида энергия сарфиётини қисқартириб, муаммо микёси учун зинаюва ва зифасини ўтказмоқда. Машиналар, лифтлар, машиий техникаларни масофадан туриб бошқариш, емакни ҳатто уйга олиб келиб бериш хизматининг пайдо бўлиши ҳаракатсиз ҳаётнинг тамол тошидир.

Семизлик эса юқорида айтганимиздек, ўз ортидан кўпгина касалликларни эргаштириб келади. Аммо шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, семизликнинг ҳам ўзига хос фойдаси бор экан. Яъни Япониядаги Тохоку университетининг олий тиббиёт мактаби ва Канаданинг Портленд университети олимлари тадқиқотлари натижалари шунини кўрсатдики, семизлар озгин одамларга қараганда, 6-7 йил кўпроқ умр кўракан.

— Одатда, семизлик кўп овқат ейиш ва кам ҳаракатлилик оқибатидир, деган ақидига кўникиб қолганмиз, — дейди юртдош ўзимиз, Тошкент тиббиёт академияси катта ўқитувчиси Шоира Қодирова. — Аммо ҳозирги замон олимлари буни инкор этмаган ҳолда семизликни келтириб чиқарадиган бошқа омилларни ҳам аниқлашди. Жумладан, АҚШдаги семизлик муаммолари бўйича илмий-тадқиқот маркази директори Ричард Аткинсоннинг гапларига қараганда, семиршиш сабаби фақат қувватли овқат истеъмоли қилишдан ёки кам ҳаракатлиликдан иборат эмас. Бунда семиртирувчи вируслар ҳам роль ўйнайди. Лаборатория тадқиқотлари ва тажрибалари шунини кўрсатдики, аденовируслар туркумига кирувчи бу вируслар ёғ туқималарида модда алмашинувига кучли таъсир этади ва семиршиш ҳолатини келтириб чиқаради.

Шу ўринда семизлик муаммосини жийловлаш учун айни пайтда нима ишлар қилинмоқда, деган савол ҳар биримизнинг кўнглимиздан ўтиши табиий. Ҳозирча дунёвий аҳамиятдаги халқаро ҳуқуқий ҳужжат ёки тиббий меъёр ишлаб чиқилгани йўқ. Лекин ҳар бир давлат бу муаммо микёсидан келиб чиқиб, айрим амалий тадбирларни жорий этмоқда. Жумладан, Аргентина сенати 2008 йил сентябрда семиршишга қарши мажбурий профилактика олиб бориш ва семиршишга қарши кураш тўғрисида қонун қабул қилди. Мазкур ҳужжатда семизлик касаллигининг бир тури, дея баҳоланди ва улар учун тиббий сўгурта

### БУ САФСАТА ЭМАС



мажбурий қилиб белгиланди. Бу «касалик»ка йўлиққанларни камситиш ёки таққирлаш қонун йўли билан таққиланди.

Ортиқча вазнга эга кишилар эндиликда соғлиқни сақлаш миллий дастурига кўра, бепул малакали тиббий ёрдам олишга ҳақли. Аммо парҳезшunos ва шифокорлар маслаҳатисиз ўзбошимча озиш усулларини қўллаш ва тарғиб этиш қонуан таққиланди.

Озиқ-овқат ишлаб чиқарувчилар эса юқори калорияли маҳсулотга унинг калорияси миқдори семиршишга олиб келиши ҳақида огоҳлантирувчи ёрлиқни албатта тиркаб қўйишлари шарт.

АҚШда бундай тартиб 2007 йил июндан қучга кирган. Тайван миллий полиция агентлиги эса қорин рақси тўғрагини ташкил этган. Унда тўладан келган полициячилар албатта қатнашишлари шарт. Бу рақс қориндаги ёғларнинг танага сўрилишига ёрдам беради. Бундан ташқари, полиция бўлимларига парҳезшunos-мутахассислар таққиф этилиб, ўқув-семинарлари ташкил қилиб берилмоқда.

Буок Британия маъмурияти ҳам соғлиқни сақлаш миллий хизмати ходимлари орасида семизликка қарши курашни бошлади. Бунинг учун махсус дастур ишлаб чиқилди. Тизим раҳбариятининг фикрича, тиббиёт ходимлари ортиқча вазндан азият чекаётганларга амалий ўрнат бўлишлари лозим. Вазириликнинг ҳисоботида келтирилган маълумотларга кўра, соғлиқни сақлаш тизимида фаолият кўрсатаётган 1,2 миллион ходимнинг тенг яқини ортиқча вазнга эга, 300 мингга эса семизлик «касали»га гирифтор бўлган.

Австралияда озини истаганлар учун бепул жаррохлик операцияси таққиф этилмоқда. Операция ҳаракатлари ҳўқумат томонидан қопланади.

Маълумки, Австралия ҳам семирлар мамлакатига айлиниб бормоқда. Бугунги кунда аҳолининг учдан бир қисми шундай муаммога йўлиққан. Американинг «United Airlines» авиакомпанияси раҳбарияти эса шу йил апрелдан янги чора жорий этди. Ортиқча вазнга эга йўловчилар 2 та чиптанинг пулини тўлайди, лекин 1 та ўриндиқда кетади. Мабодо, самолётда бўш ўрин бўлса, 2 та ўриндиқда ёстаниб кетишига ружат берилади. Бундай чоралар «Continental», «Delta», «JetBlue» ва «Southwest» авиакомпаниялари томонидан ҳам жорий этилган.

Демак, кўриниб турибдики, семизлик муаммоси анча жиддий тус олган. Буни инкор этиб бўлмайди. Муаммога нисбатан эъш пайтда қўрилган чора эса албатта натижа беради.

**Алимқул СУЛТОНОВ,**  
**журналист**

Жорий йилнинг биринчи ярмида филиал томонидан қўллаб корпоратив миқдорларга кредит маблағлари берилди. Банкининг кредит сиёсати кредит хатарининг энг паст даражасига эришиш ва мунтазам мониторинг ўтказишга қаратилган. Кредит операциялари ишончилигини ошириш ва уларнинг самарадорлигини ўстириш мақсадида қўйилмалар тузилмасини тақомиллаштириш банк кредит сиёсатининг асоси ҳисобланади. Утган йили банк кредит сиёсати мамлакат иқтисодиётининг реал секторига қарашли қорхоналарни устувор кредитлашга қаратилди. Ва бу мақсадларга кредитларнинг юз фоизи йўналтирилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш банк фаолиятида ҳаммиша устувор ўринни эгаллаб келган.

лотлари билан таъминлаш, вилоятда чорвачилиқни янада ривожлантириш мақсадида анча ишлар қилинди. Президентнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларида чорва молларини қўпайтириш ни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ кам таъминланган оилаларга молиявий ёрдам берилаётир. Давлат буюртмасига кўра қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштираётган ҳўжалиқларга кредит ажратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан шу йил давомида галла ва пахта етиштирувчи олтита фермер ҳўжалигига 243 миллион 485 минг сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Буни соҳаларга тақсимлайдиган бўлсак, галла етиштириш учун 33 миллион 691 минг сўм,

раллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармония асосан банк филиалида «Ишонч телефонлари» ташкил қилинди. Банк филиалида «Ривож», «Мадад», «Тараққиёт», «Фаровон ҳаёт» (пластик карточка омонати) сингари янги омонат турлари мавжуд. Энг муҳими — уларнинг фойзалари юқори. Ҳозирги пайтда валюта амалиётлари бўйича яхши натижаларга эришилаётир. Банк филиалида ташкил этилган тезкор пул ўтказиш тизимида фойдаланилаётганлиги одамларга катта қулайлик туғдираётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Жисмоний шахслар учун «Анелик», «Интер экспресс», «Вестерн Юнион», «Мигом», «Контакт» каби пул ўтказмалари турлари мавжудки, булар орқали миқдорларга хорижий валютада маблағ ўтказиш ёки қабул қилиш имконини бермоқда. Масалан, шу йилнинг олти ойи давомида ушбу пул ўтказиш тизимлари орқали 3290 нафар миқдорга 1 миллион 750 минг 803 АҚШ доллар миқдоридида валюта маблағлари етказиб берилди. 51 нафар миқдорнинг 46627 АҚШ доллар миқдоридида маблағи тегишли манзилга жўнатилди. Банкдан ташқари нақд пул айланмасини қисқартириш ҳисобига биринчи даражали тўловлар, жумладан, иш ҳақи, пенсия, нафақа ва бошқа зарурий тўловларни ўз вақтида нақд пул билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалда қўлланилмоқда. Буларнинг барчаси банк бўлими ходимлари миқдор учун, унинг манфаатлари учун ишлаётганлигидан далолат беради.

**ХОРИЖДА**

**5 МИЛЛИОН ДОЗА**  
вакцина сотиб олмақчи

Миср маъмурияти агар А/Н1Н1 гриппига қарши вакцина яратилса (ҳозир АҚШ, Россия, Хитой сингари давлатлар янги вакцина устида иш олиб бормоқда), дарҳол 5 миллион доза вакцина сотиб олишни маълум қилди. Бу ҳақда Миср Соғлиқни сақлаш вазирилик вакили Носир ас-Сайид журналистларга ахорот берди. Унинг айтишича, қишга бориб вакцинага эҳтиёж ортиши мумкинлигини ҳисобга олиб, кейинчалик 10 миллион доза вакцина сотиб олиниши ҳам мумкин. Маълумотларга қараганда, 80 миллионлик аҳолига эга Миср давлати маъмурияти А/Н1Н1 гриппи тарқалишидан ҳўвотирга ташвомида. Мамлакатда мазкур гриппга чалинганлар сонига 329 кишига етди. Бир аёл айнан шу касалликдан вафот этди.

# БАРҚАРОРЛИК ЙЎЛИДА

Мамлакатимиз ички бозорини истеъмо моллари билан тўлдириш, импорт ўрнини босадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган, қўшимча янги иш ўринларини ташкил этадиган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида каттагина маблағ йўналтирилди. Жумладан, жорий йил 1 июль ҳолатига кредит қўйилмалари 2 миллиард 490 миллион 962,9 минг сўм бўлиб, банк томонидан 2009 йил давомида 946 миллион 470 минг сўм кредитлар берилган. Бундан 712 миллион 101 минг сўми қисқа муддатли, 234 миллион 369 минг сўми узоқ муддатли кредитларни ташкил этади. 2009 йил давомида 656 миллион 031,3 минг сўмлик кредитлар қайтарилган. Аҳолини сифатли гўш ва сут маҳсу-

пахта ҳосили етиштириш учун 209 миллион 794 минг сўмни ташкил этади. Бундан ташқари тижорат кредитлари ҳам бериб берилмоқда. Мижозлар депозит ҳисоб рақамларидан маблағларни ўз вақтида, уларнинг биринчи талаби бўйича берилиши ташкил этилганлиги натижасида банк филиалининг ресурслари ошиб борапти. Негаки, миқдорларнинг банкка бўлган ишончи кўтарилмоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, амалиётга татбиқ этилаётган янги омонат турлари, миқдорларга яратилаётган қулайлик ва имкониятларнинг кенг тарғиботи яхши йўлга қўйилганлиги боис аҳолининг қўллаб бўш пул маблағлари депозитларга қўшимча жалб этилди. Президентнинг «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либе-

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,  
Мирзахайёр МИРҲАБИБОВ,  
«Ўзбекистон овози» муҳбирлари.

Тошкент шаҳар Маннон Уйғур номидаги Санъат институти томонидан 2006 йилда Махсудов Бехзод Миртажибоевич номига берилган В 278627 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Қадриятларимиз

Неча-неча асрлар давомида авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган аънава ва қадриятларимиз жуда кўп. Ана шулардан бири кўпқаридир. Мустақиллик йилларида бу қадриятимизни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Эндиликда кўпқари буйича мамлакатимизда биринчиликлар, халқро мусобақалар ўтказилаёпти.

Биламизки, кўпқарининг сир-асрори кўп. Отга меҳр кўрсатмасдан, дўстлашмасдан туриб эса чавандоз бўлиш қийин... Келинг, яхшиши, бу ҳақда кўпқарида суяги қотган чавандоздан сўрайлик.

Паркент туманининг тоғ қишлоқларидан бирида яшаётган Тўрабек чавандозни нафақат вилоятида, балки кўшни республикаларда ҳам яхши танишади.

У ҳақида кўпқарида бош солимини кўлга киритиб, номига доғ туширмай келмоқда. Тўрабек ака билан учрашиб, кўпқарига қизиқишим баландлигини, чавандозлар ҳақида кўпқар билдириш истагим борлигини айтдим.

Бундан қувониб кетган чавандоз мени энг сара отларидан бирига миндирди. Узи ҳам от миниб олди. Биз қир-адирлар айланиб сўхбатладик.

Ота-бобомиз чавандоз ўтган, — дея Тўрабек ака сўзини бошлади. — Отанинг айтишича, икки-уч ёшимданок отга интилган эканман. От минибни илк бор бобомдан ўрганганман.

Бундан қувониб кетганимдан чавандоз бўлишни жуда-жуда хоҳлар эдим. Отни кўпқарига тайёрлаш услубларини, чавандозлик

ёшимда ҳам кўпқари чопиш ниятими бор. Фарзандларим ҳам соғлом. Доимо ўзига хос машқлар билан чиникишади. Чавандозлик сабаб оиламизда соғлом турмуш тарзини йўлга қўйганмиз.

Тоғларни яхши кўраман. Кўпқарида атайлаб қияликларга от соламан. Шундан бўлса керак, билганлар Тўрабекнинг юра-

хавф-хатар сезилмайди. Баъзилар чавандоз деганда фақат жисмонан бакуватликини тушунади. Бу жуда тор қараш. Кўпқаридаги ҳалоллик, тўғрисиюзлик, табиятта яқинликка амал қилсагина чавандоз камол топади.

Кўпқарининг ўзига хос нозик томонлари, чавандозлик сир-асрорларини ҳамма ҳам билвермайди.

хисобланади. Отни қандай тарбиялаш, қай тарзда боқиш сирини яширмай айтаверишда ҳикмат йўқ. Фақат фарзандларимга ўргатаман. Бу ҳамма чавандозлар амал қиладиган қоида. Кўпқарида Галиб чиқишга асосан отнинг тайёргарлиги сабаб бўлганидан бу сир тугилади.

Сўхбатлашиб борар ололмаганидан тортишувда қўлидан тушириб юборди. Мана шу йигитча абжир экан. Улоқни олиб ерда судраб бора-япти. Эҳ, оти фаросатли эмас экан. Отини ёшлигидан тарбиялаганда эди, унга ёрдам бериб, тўдадан тезда чиқиб кетиб, улоқни кўтарайтганда бир силкинчи бераб эди.

Мана, унинг оти ҳалиям тўда ичида. Улоқни ҳам яхши тайёрлашмаган экан.

Тўрабек ака ёшларни олдиға чақириб керакли маслаҳатларни бера бошлади: — Тортишувда улоқнинг териси йиртилди. Сизлар ҳали ёшсиз, ҳозирча эчки боласини улоқ қилиб чопганингиз маъқул. Бундан кейин улоқнинг ичинини яхшилаб тозалалаб туз билан тўдириб, маҳкамлаб тикиб, бир кун аввал сувга ташлаб қўйсангиз ваэни ортиб эллик-олтмиш килоға боради. Тортишувда бурдаланиб, териси йиртилиб кетмайди.

Кўпқари тугагандан сўнг улоқни голиб чавандоз олиб кетади. Оиласи, дўстлари, кўни-қўшилари билан баҳам қуради. Бу анъанани ҳеч қачон ёдингиздан чиқарманг! Чавандозликда энг асосийси ҳалоллик эканлигини ҳам унутманг! Кўпқарида бош солимини эмас, кадр-қиммат, ор-номус, ғурурни кўпроқ ўйланг! Айтганларимға қатъий амал қилсангиз, ҳақиқий чавандоз бўлиб етишасизлар. Ана шунда чавандозликда қадр топасиз!

Йулимизда давом этдик. Қир-адирлар оша кетиб борар эканмиз, чавандоздан солим ҳақида сўрадим. Тўрабек ака негадир менға кулиб қараб қўйди, кейин жавоб бера бошлади.

— Одатда, мендан, шу пайтгача нечта бош солимини кўлга киритгансиз, деб сўрашади. Мен билган, таниган, ҳақиқий чавандозларнинг бирортаси кўпқарига қатнашаётганда бош солимиға нима қўйилган, деб сўрашамаган, қизиқшамаган.

Бош солим улоқни мараға биринчи бўлиб етказган чавандозға бериладиган соврин. Асосан тўққизта қилиб белгиланади. Масалан, тўя, от, той,

буқа, бузоқ, қўй, эчки, кўзи, улоқ тарзда қўйилиши мумкин. Умр бўйи солимини фақат ҳалол олдим. Шу сабаб эл назарига тушдим. Фирромни ўзимға ор деб билдим. Фарзандларимға ҳам шундай тарбия бера-япман. От ўрнини той бо-сади деганларидек, бугун ўғлим Ойбек ҳам катта кўпқариларда қатнаша-пти. Оқилбек хали ёш бўлса ҳам отни бемалол бошқаради. Энди бобомдан отамға, отамдан менға ўтган чавандозликини ўғилларимға ўргатайман.

Худоға шукр, шу азалий қадриятни эъозлаб, элда ҳурмат-эътибор топдим.

Шу кунгача икки мингдан ортиқ кўпқарида қатнашдим. Кўшни Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон каби давлатларда бўлиб ўтган катта кўпқариларда кўп марта голиб бўлдим. 2002 йилда Жиззахда ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида «Спорт устаси» талабини бажардим.

Бошқа чавандозларни билмадим-ку, лекин шахсан менда кўпқарининг аввалида кўз ўнгимда бобомнинг умид, ишонч билан қараб тургани гавдаланади. Шу сабаб у кишини доим ёнимда тургандек сезаман. Баъзан кичик бир хатоға йўл қўйсан, гўё танбех бериб, тўғри йўл кўрсатаётгандек бўлади. Кўшни республикаларға чиққанымда бу ҳолат янада жиддийлашади.

Бобом «Энди халқимизнинг юз-кўзи, умиди сенсан», деган бўлади. Шунда руҳланиб кетаман. Вужудимда илоҳий бир куч пайдо бўлади. Голиб бўлишға астойдил ҳаракат қиламан. Мана шунинг учун ҳам кўпқарини ғурурим, ор-номусим деб биламан. Голиб бўлганимда эса бош солимдан ҳам кўра мени энг қувонтиргани «Улоқ ўзбекистонликда кетди» деган одамларнинг ҳайқирғи бўлади. Айнан шу гапни такрор-такрор эшитиш учун кўшни республикалардаги кўпқариларға бораман. Улар голиб бўлганимда шу гапни айтса бўлгани: «Улоқ ўзбекистонликда кетди!».

Абдуалим МАХМУДОВ

ЧАВАНДОЗ

ёки «Улоқ ўзбекистонликда кетди!»



ги отнинг калласидек дейишади. Мен уларға ҳазиллашиб, от миниб юрганымдан кейин юрагим ҳам шунга яраша-да, дейман.

Ҳақиқий чавандоз энг аввало кучли, кўркмас, абжир бўлади. Кучлилиги оғир улоқни бир кўлда кўтариб олаётганда кўл келади. Кўркмаслиги чавандозлар тўдасига от солиб қиришиға қўмак беради. Абжирлиги олган улоқни ҳеч кимға олдириб қўймадлигида билинади.

Кўпқари баъзилар учун қизиқарли бир томоша бўлиши мумкин. Шахсан мен, оилам учун ҳаёт мазмуни айланган. Тўғри, кўпқарида калтис ваэиятлар жуда кўп бўлади. Бирок, чавандоздаги жасорат, довоғарлик сабаб

Авлоддан-авлодға ўтиб, оила муҳитида алоҳида аҳамиятға эға бўлгандагина ҳақиқий чавандозлар етишиб чиқади. Чавандозлик маҳорати ортган сари сир-асрорлари шунча кўп очилади. Кўпқарини эса умр бўйи янгидан-янги кўтариб очилиб боради. Шу боис бир сўхбат давомида ҳаммасини айтиб бўлмайди. Кўпқарининг ўз олами бор. Бу оламни руҳан ҳис қилибгина тушуниш мумкин. Бунинг учун кўпқари чангида қолиш, отлар дупурини тинглаш, отга астойдил меҳр кўрсатиш керак.

— Отни кўпқарига қандай тайёрлайсиз? — қизиқиб сўрайман чавандоздан. — Ростини айтсам, бу чавандознинг нозик сири

Спорт

«ҚАРШИ СУР»ДА «СЕВИНЧ» ГОЛИБ

чиқишлар қатнашчиларда ҳам, томошабинларда ҳам катта таассурот қолдириди. Биринчи бор ташкил этилган ушбу халқро мусобақада умумжамоа хисобида пойтахтликлар биринчи, Тошкент вилояти вакиллари иккинчи, бухороликлар учинчи ўринни эгаллашди. Энди ўзбек жанг санъати усталаримиз миллий спорт туримизни жаҳонға ёйиш мақсадида Жанубий Корейда уюштирилган аънаванавий фестивалда қатнашишади.

(Ўз мухбиримиз)

ЎЗБЕК ЖАНГ САЪНАТИ

Биз соғлом турмуш тарзини ҳаёти мазмуниға айлантирган халқимиз. Лекин ўтган асрда ўзлигимизни намобён эътидан спорт турлари билан шуғулланишға, уларни юзаға чиқаришға имконият берилмади. Ваҳоланки Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби шавкатли боболаримиз даврида жанг санъати юксак даражаға етган бўлиб, унинг таркибида яккакурашлар ҳам бор эди. Ана шу яккакурашларимиз ўзбек жанг санъати номи ата-

АЛДОВ ТУЗОФИ

ўзға юртлардаги сароб даромадни орзу қилганлар қисмати

Шўрчи туманида истиқомат қилувчи Қаҳрамон Раҳимов шериғи Руслан Потапов (исми-шарифи ўзгартирилган) билан ўзаро тил бириктириб, Россия Федерациясининг Тверь шаҳриға ишлаш учун одам олиб боришға келишиб олади. Шериклар Шўрчи туманининг «Наврўз» маҳалласидаги йигитлардан бир ғуруҳини топишади. Ҳар ойда 400-500 доллар ойлик маоши берилишини эшитган Хўшбўк Олтибоев, Сафар Мустафоқулов, Жўрабек Абдуллаев, Хусан Тошқулов ва Отабек Мардонновлар ўзға мамлакатда ишлашға розилик билдиришади.

— 2007 йилнинг ёзида Шўрчидан 12 киши «Денов-Урганч» йўналишини буйича қатнайдиغان автобусда Хоразмға йўл олдик, — дейди жабранувчи Жўрабек Абдуллаев. — 14 июлда эса «Истанана»да Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот туманиға бордик... Россия Федерациясининг Тверь шаҳриға етибик, «Газел» русумли автомашина ҳайдовчисининг баҳонаси кўпайди. Қани энди паспортимизни берса, анча тортишувдан сўнг ҳайдовчи кимгадир қўнғирот қилди. Нотаниш йигит йўлқирамизни тўлаб, бизни олиб кетди. Янги ҳўжайинимиз «Джони» устаси фаранглардан экан. У дастлабки ишни паспортларимизни йиғиб олишдан бошлади.

— Биз эса Новгород шаҳрида иш бошладик, давом эътидан жабранувчилардан яна бири Отабек Мардоннов. — Орадан бир ойча вақт ўтгач, «Джони» борди. Ундан қилган ишимиз учун 3 минг рубль пул беришини сўрадик. Қайдам... Шу-шу, теккин ишчиға айландик-қолдик. Пешона теримиз билан тоғилган 1500 долларни эса ололмадик. — Мен ҳам шу кўйға тушган инсонларданман, — дейди Хусан Тошқулов. — Мўмай даромадға ишониб алдандим. Бир йилдан ортиқ овора бўлдим. Твердаги озиқ-овқат омборидаги асосий юмуш оғир махсулотларни юк-лаш-туширишдан иборат эди. Кези келганда бир ўзим уч кишининг ишини бажарардим. Қаҳрамон Раҳимовға шароит оғирлигидан арз қилдим. Уйла-ганларим сароб экан... Улар бошимға тик турган ҳолда дўк-пўлса қиларди. Калтакланган кезларим ҳам бўлган. Оғайниларимиз ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилганларидан кейингина бизға руҳсат бериш-

ди. Уйға қайтдик. Йўл пулини ҳам қариндошларнинг кўмагида тўладим.

Яқинда жиноят ишлари буйича Шўрчи туман судида мазкур ҳолат буйича жиноят иши кўриб чиқилди. Кишилларнинг ишоничиға қилиб, уларни инсоний ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум этган Қаҳрамон Раҳимов жиноятчи яраша жасосини олди.

Хорижда меҳнат қилишни истаганлар учун бугун жойларда минтақавий филиаллар фаолият кўрсатмоқда. Лекин шунга қарамай ноқонуний йўллар билан чет мамлакатларға кетаётганлар ҳамон учраб турибди.

Уйламай қадам босиши билан улар аввало ўзларини, ота-оналарини, қариндошларини қийин ахволға солиб қўйишмоқда. Аслида, меҳнат қиламан, рўзғоримни тўкин қиламан, деб астойдил ҳаракат қилувчиларға мамлакатимизда барча шарт-шароитлар яратилган. Ҳар бир вилоятда, шаҳарларимизда меҳнат ярмаркалари ўтказилмоқда Меҳнатдан қочмайдиغانлар узоқлардаги сароб даромадни орзу қилмай шу ерда меҳнат қилсалар, шўбхасиз, рўзғори бут бўлади, ўзи сарсон-саргардон, хору зор бўлмайди.

Аббос ХОЛИМҲИМОВ, Жиноят ишлари буйича Шўрчи туман суди раиси.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

«INTER MILK» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ

қуйидаги объект буйича талабгорлар малакасини олдиндан аниқлашни ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Сирдарё тумани, «Ҳақиқат» СФУ ҳудудида «500 та соғин қорамол учун сутни қайта ишлаш цехи билан қорвачилик комплекси» объектларининг қолдик қурилиш ҳажмига. Ишларни молиялаштириш «INTER MILK» масъулияти чекланган жамият маблағи ва тижорат банкардан олинандиган кредитлар ҳисобдан амалға оширилади. Бюджетчи манзил: Сирдарё шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 100-уй. Тел: (83673) 57-08-36.

Талабгор малакасини олдиндан аниқлашда иштирок эътидан ташкилотлар қуйидаги шартларға жавоб беришлари керак: объектнинг дастлабки бошланғич қий-матига нисбатан камида 20 фоизи микдоридидаги ай-ланма маблағға ёки кўрсатиб ўтилган маблағни бе-ришға банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш база-лари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларға, етарли касбий ва тех-никавий малакаға, молиявий имкониятларға, шартно-ма тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаё-қат ва ваколатларига эға, ўхшаш ишоотларни қуриш буйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Талабгор малакасини олдиндан аниқлашда қатна-шиш ва ҳужжатларни олиш учун сўровнома билан ташкилотчи — Сирдарё тумани қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий кон-салтинг марказиға қуйидаги манзил буйича мурожа-ат этиш мумкин:

Гулистон шаҳри, Ахтамов кўчаси, 30-уй. Тел/факс: (83672) 27-64-84, 184-37-57, 589-37-87. Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 30000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) ташкилотчи томонидан юқоридидаги манзилда қабул қилинади. Тақлифлар (оферталар)ни ташкилотчиға тақдим этишининг охириги мuddати — оферталар очилиш кўни ва соатигача.

Талабгорлар малакасини олдиндан аниқлаш эълон маълумотда чоп этилгандан сонаиб 30 кундан кейин юқоридида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

«Ўзбекистон ово-зи» газетаси тахри-рият жамоаси фак-ри журналист, га-зетамизнинг собиқ бош муҳаррири ЗИЁД ЕСЕНБЕКОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳуқур таъзия изхор қилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси таниқли матбаа-чи ва журналист ЗИЁД ЕСЕНБЕКОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳуқур таъзия изхор қилади.

Тиббиёт-санитария бирлашмасининг 1-марказий клиник шифохонаси жамоаси бирлашма бошлиғи муовини НУРИДДИН ТОҒАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳуқур таъзия изхор қилади.

Table with contact information for BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV, TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Asiliddin RUSTAMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, G'affer HOTAMOV, Musiliddin MUHIDDINOV, Svetlana GERASIMOVA, Andrey KUSTOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI, BO'LIMLAR: Partiya hayoti, Madaniyat va sport, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot, Reklama va e'lonlar, Mas'ul kotib, VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Denovda, MANZILIMIZ: 100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY, info@uzbekistonovozi.uz, Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV, Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi, Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV, «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi, Korxonada: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy, ISSN 2010-7633, O'zA yakuni — 21.45, Topshirilgan vaqti — 22.30, 1 2 4 5 6 7 8, So'zlash arkin narxda